

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ



УКАЗ

ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “15” март

№ПФ-5690

“ ” 20 г.

**Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизими니 тубдан
такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини
оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий механизmlарини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, республикада инвестиция иқлимини ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек прокуратура органларига хос бўлмаган вазифа ва функцияларни чиқариб ташлаш йўли билан уларнинг фаолиятини оптималлаштириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 апрелдан:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда – Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил) томонидан амалга оширилади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларга оид қарорлари назорат қилувчи органлар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш соҳасидаги фаолиятини таъминлашда иштирок этади.

2. Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тасарруфидан Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тасарруфига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ой муддатда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимининг ишлаш имкониятини таъминловчи ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг беғараз ўтказилишини;

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимининг узлуксиз ишлашини таъминласин.

3. Белгилансинки, Тадбиркорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз ваколатларини амалга ошириш доирасида:

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қиласди;

назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш тўғрисидаги буюртмаларини кўриб чиқади ва уларнинг асослилигини ўрганади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишга розилик бериш ёки рад этиш, шунингдек, уларнинг муддатларини узайтириш ёки кўчириш тўғрисида қарорлар қабул қиласди;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш соҳасидаги қонун хужжатларини бузганлиги учун назорат қилувчи органларнинг айбдор мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича чоралар кўради;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида ягона ҳисоб ва ҳисбот юритилишини, шунингдек ушбу соҳада назорат қилувчи органларнинг ягона хукуқни қўллаш амалиёти юритилишини таъминлайди;

назорат қилувчи органлар ва тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш соҳасидаги қонунчилик нормалари қўлланилиши юзасидан маслаҳат ёрдамини кўрсатади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш соҳасидаги норматив базани ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этади.

4. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринbosари лавозимларининг иккита штат бирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Тадбиркорлик ва инвестицияларни хукуқий ҳимоя қилиш бошқармаси;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Солиқ ва божхона ислоҳотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

солиқ ва божхона ислоҳотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат қилишга масъул Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорининг ўринbosарлари, туманлар (шаҳарлар) прокурорларининг ўринbosарлари ва ёрдамчилари лавозимлари;

туманлар (шаҳарлар) прокурорларининг тадбиркорлик субъектлари хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул ўринбосарлари ҳамда катта ёрдамчилари лавозимлари;

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятдаги хукуқбузарликларга қарши курашиш бўйими тутатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси** этиб қайта ташкил этилсин ва уни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига ўтказилсин.

5. Белгилансинки, мазкур Фармонга мувофиқ прокуратура органларининг қисқартирилаётган 1 198 та штат бирликларидан:

87 таси – Тадбиркорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонини;

470 таси – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси бўлинмаларини тўлдириш учун йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси бир ой муддатда:

зиммаларига юклатилган хизмат мажбуриятларини юқори профессионал даражада бажаришга қодир юқори малакали, чуқур касбий билимга эга, юқори интеллектуал қобилият ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ходимларни танлаб олишда рақобат муҳитини таъминловчи **кадрларни шаффоф танлов асосида танлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этишни назарда тутувчи Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида янгиланган низомни тасдиқлаш учун киритсин;**

хукуқбузарликларнинг профилактикаси ва прокуратура органлари ходими деган юксак номга нолойиқ шахсларни аниқлаш, уларни зудлик билан прокуратура органлари тизимидан бўшатиш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда **прокуратура органларининг ички хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқсин;**

прокуратура органларига юклатилган вазифаларни самарали бажариш имконини берувчи **илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни улар фаолиятига ҳар томонлама ва тўлиқ жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.**

7. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг янгиланган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони штатлар жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга, заруратга кўра, ўз девонининг ташкилий-штат тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур молиявий, моддий-техник ва транспорт масалалари ҳал этилишини таъминласин;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган ҳолда **Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;**

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларини ҳисобга олган ҳолда **Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти қонунийлиги кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.**

Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилингунга қадар мазкур Фармон қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳакидаги вақтингчалик низом амал қиласи.

9. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг худудларда фаолият кўрсатувчи ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналари биноларига беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси солик ва божхона ислоҳотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат қилишга масъул Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ўринбосарларига бириктирилган транспорт воситаларининг, шунингдек, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг худудларда фаолият кўрсатувчи ходимлари самарали фаолият юритишини таъминлаш учун зарур бўлган компьютер техникаларини белгиланган тартибда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ўтказилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Молия-хўжалик департаменти Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг қўшимча жорий этилаётган штат бирликларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Тадбиркорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргалиқда икки ой муддатда қонун хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти


Тошкент шахри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “15” мартағи ПФ 5690-сон Фармонига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари
ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий сони – 94 нафар.

* Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёrlарга
мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “15” мартағи ПФ-5690-сон Фармонига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
химоя қилиш бўйича вакил девонининг штатлар жадвали**

т/р	Лавозимнинг номланиши	Бирликлар сони
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил	1
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил ўринбосари – девон раҳбари	1
3.	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил ўринбосари	1
Мурожаатларни кўриб чиқиши ва тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат шўъбаси		
4.	Бош инспектор	1
5.	Етакчи инспектор	5
Тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш шўъбаси		
6.	Бош инспектор	1
7.	Етакчи инспектор	2
Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувларини мувофиқлаштириш шўъбаси		
8.	Бош инспектор	1
9.	Етакчи инспектор	7
Халқаро алоқалар бўйича бош инспектор		
10.	Бош инспектор	1
Жамоатчилик билан ишлаш ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш шўъбаси		
11.	Бош инспектор	1
12.	Етакчи инспектор	2
Кадрлар билан ишлаш бўйича бош инспектор		
13.	Бош инспектор	1
Молия шўъбаси		
14.	Бухгалтер	1
15.	Моддий бухгалтер (кассир)	1
Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
16.	Бош инспектор	1
17.	Етакчи инспектор	5
Андижон вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
18.	Бош инспектор	1
19.	Етакчи инспектор	4
Бухоро вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
20.	Бош инспектор	1
21.	Етакчи инспектор	4

Жиззах вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
22.	Бош инспектор	1
23.	Етакчи инспектор	3
Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
24.	Бош инспектор	1
25.	Етакчи инспектор	4
Навоий вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
26.	Бош инспектор	1
27.	Етакчи инспектор	3
Наманганд вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
28.	Бош инспектор	1
29.	Етакчи инспектор	4
Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
30.	Бош инспектор	1
31.	Етакчи инспектор	4
Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
32.	Бош инспектор	1
33.	Етакчи инспектор	4
Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
34.	Бош инспектор	1
35.	Етакчи инспектор	3
Тошкент вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
36.	Бош инспектор	1
37.	Етакчи инспектор	4
Фаргона вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
38.	Бош инспектор	1
39.	Етакчи инспектор	4
Хоразм вилоятида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
40.	Бош инспектор	1
41.	Етакчи инспектор	3
Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари		
42.	Бош инспектор	1
43.	Етакчи инспектор	4
Жами		
		94

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “15” мартағи ПФ-5690-сон Фармонига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим хужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон хуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сон Фармонида:

а) 1-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи-тўққизинчи хатбошилар тегишинча учинчи-саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;;


б) 4-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Прокуратура органлари бошқарув ходимларининг умумий сони 4 165 нафар (Ҳарбий прокуратурадан ташқари), шу жумладан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошқарув ходимларининг умумий сони 1 071 нафар этиб белгилансин”;

в) 5-банднинг иккинчи хатбошидан “Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси” сўзлари чиқариб ташлансан;

г) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**




Жами прокурор-тергов ходимлари – 252 штат бирлиги;

д) 2-илова қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сон Фармонига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Департамент бошқарув ходимларининг умумий сони – 1 071 штат бирлиги
шундан марказий аппаратда – 92 штат бирлиги”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги ПФ–5037-сон Фармонида:

а) 4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 5-бандда:

бешинчи хатбошидаги “кўриб чиқилиши” сўzlари “ижро этилиши” сўzlари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“тадбиркорлик субъектларига нисбатан қабул қилинган қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳужжатларини тўхтатиб кўйиш ёки бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритиш.

Белгилансинки, Тадбиркорларнинг ҳуқуqlарини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг девони ходимлари ўз ваколати доирасида маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ҳуқукига эгадирлар”;

в) 1-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиб механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5446-сон Фармонида:

а) 2-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи–ўнинчи хатбошилар тегишинча учинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 8-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 1-иловада:

10-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи–ўнинчи хатбошилар тегишинча иккинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

11-банднинг 1-кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5490-сон Фармонида:

а) 5-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи–олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи–бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Белгилансинки, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказилишининг қонунийлиги устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан амалга оширилади”;

б) 11-бандда “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига” сўzlари “ваколатли органга” сўzlари билан алмаштирилсин.

в) 1-илованинг рус тилидаги матни изоҳи иккинчи хатбошисидаги “Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан” сўzlари “Уполномоченного при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства” сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг рус тилидаги матнида:

5-позиция куйидаги таҳирда баён этилсин:

“5.	Проверки по вопросам, входящим в компетенцию Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров Республики Узбекистан.	Инспекция по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров Республики Узбекистан	не более 30 дней”;
-----	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------

15-позициянинг “Проверки (контрольные функции)” устунидаги “органами прокуратуры” сўzlари “Уполномоченным при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства” сўzlари билан алмаштирилсин;

изоҳда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;


бешинчи хатбошидаги “Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан” сўzlари “Уполномоченного при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства” сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3802-сон қарорида:

а) 15-банднинг биринчи хатбошидаги “11 410” ва “257” рақамлари тегишинча “11 880” ва “369” рақамлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илова куйидаги таҳирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси марказий аппарати бошкарув ходимларининг чекланган сони – 369 штат бирлиги.

* Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёrlарга мувофиқ белгиланади”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “15” мартағи ПФ-5690-сон Фармонига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотаётган айrim қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5343-сон Фармонининг 1-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солик ва божхона ислоҳотларини хуқуқий таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5499-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш механизmlарини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2749-сон қарори.

